Бугунги сонда:
“Дадангмасман, Неъмат аканимман!” 2-3
ТЕНДЕР – ҲАММАГА ТЕНГДИР, бироқ... 3
ТИЛГА ҲУРМАТ – ЭНГ КАТТА ТАРБИЯ 4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
2020 йил
21 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 71 (13332)
@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шоир туғилган қутлуғ 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш анъанаси қарор топди. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани, мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ҳайкаллари ўрнатилгани, асарлар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилгани, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг муаззам меъморий ёдгорлигига мутаносиб равишда Адиблар хиёбони барпо этилгани маданий ҳаётимиздаги улкан воқеаларга айланди.

Жонажон Ватанимиз **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда **буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги** таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

(Давоми 2-саҳифада)

*“Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак.”*

Шавкат МИРЗИЁЕВ




# Давлат тилига Эҳтиром ва Садоқат

## она Ватанга эҳтиром ва садоқат демакдир

**Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилнинг 10 апрелда қабул қилинган “Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунини юртимиз қонунчилигидаги энг ихчам, айни пайтда энг пурмаъно ҳужжат деса бўлади. Мазкур тарихий ҳужжат билан 21 октябрь – Ўзбек тили куни байрами этиб белгиланди. Халқимизнинг асрий орзу-умидларини ўзида ифода этган Ўзбек тили куни байрами расман бу йил юртимизда биринчи маротаба, халқимизнинг асл миллий айёмларидан бири сифатида кенг нишонланмоқда.**

Мамлакатимизда барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг яқиндагина дунёдаги энг катта минбарда – БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаганлари ниҳоятда тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Ўтган қисқа фурсатда маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар тилимиз равнақига бевосита хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

Оҳангарон томонларда...

## ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ

### муҳим ҳаётий зарурат



**Сўнгги йилларда Оҳангарон туманида чорвачиликка катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 октябрдаги “Тошкент вилояти Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 30 та лойиҳа тасдиқланди.**

Мазкур қарорнинг ижроси юзасидан туманда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида вилоят ҳамда туман ҳокимликлари томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

@haqiqatonline
танлови




## ҚУТЛАЙМИЗ!

**Аввал хабар берганимиздек, газетамизнинг @haqiqatonline телеграм каналида “Ёшлар ойлиги” муносабати билан 15 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида “Энг яхши мақола” танлови ўтказилган эди.**

Танловда кўплаб ёшлар турли мавзудаги мақолалари билан фаол иштирок этишди. Улар орасидан "Чекланган имкониятни чеккага сурганлар" мақоласи муаллифи – Бекобод шаҳридаги 7-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Севара Эшқобилова ғолибликни қўлга киритди.

Куни кеча таҳририятда танлов ғолибига диплом ва эсдалик совғаси тантанали равишда топширилди.



## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

***ЎРТА ЧИРЧИҚ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ, ЧИНОЗ, ОҚҚЎРҒОН туманлари пахтакорлари*** *давлатга пахта топшириш шартномавий режаларини ортиғи билан бажардилар. Вилоятимиз ҳам юксак маррага жуда яқин турибди.*



*“**ОЛМАЛИҚ** кон-металлургия комбинати” АЖ тасарруфидаги санаторий-профилакторий “Great Builders” қурилиш компанияси томонидан мукаммал реконструкция қилинмоқда. Санаторийдаги турк ва фин сауналари, шунингдек, ошхона фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди.*





*“**ПАРКЕНТ** деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамиятидаги “Элга хизмат” савдо ярмаркалари янгидан “Эко бозор” кўринишида ташкил этилди. Эндиликда савдо ярмаркасида туман ветеринария ва қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари (арзон, сифатли мол, қўй, парранда гўшти ва тухум) аҳолига узлуксиз етказиб берилмоқда.*

***ЧИРЧИҚ шаҳри****да "Соғлом ҳаёт учун 5 минг қадам" акцияси ўтказилди. Унда шаҳардаги турли корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирок этишди.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”**ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида **Алишер Навоий орденини таъсис этиш** юзасидан таклиф киритсин;

Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоийнинг мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича таклиф киритсин.

4. Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда **хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини** мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўрсин.

5. Фанлар академияси:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йиллар давомида **Алишер Навоийнинг қўлёзмалари асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини яратиш** ишларини амалга оширсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар Алишер Навоий ижодий меросининг шарҳини яратиш ишларини якунига етказсин ҳамда уларни **“Навоий ва ёшлар” махсус дастури**да жойлаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этсин;

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида 2021 йил ноябрь ойида Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти, ижоди, адабий муҳити, устозлари, замондошлари ва издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи, асарларининг қўлёзма ва нашр нусхалари тўғрисида маълумот берувчи адабий-бадиий кўргазмани ташкил этсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танловини эълон қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида **Алишер Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформаси**ни яратсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги **Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси**ни ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйсин.

9. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар қуйидаги масалаларни ўз ичига олган **“Навоий ва ёшлар” махсус дастурини ишлаб чиқсин** ва амалга оширсин:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида **“Навоий ворислари”** ғазалхонлик танлови, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида **“Навоийни англаш”** мавзусида иншолар танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

**бешта муҳим ташаббус доирасида** ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобиль иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2021 йилда Тошкент шаҳрида **Алишер Навоий номидаги ижод мактабини ташкил этиш** ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Навоий шаҳрида **“Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ҳамда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни юқори савияда ўтказсин.

12. Маданият вазирлиги 2021 йилда Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш ҳамда **“Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада” республика театрларининг фестивалини ўтказиш,** шоир ғазаллари асосида **“Назм ва наво” кечаларини,** мақом танловларини ташкил этишни таъминласин.

13. “Ўзбеккино” миллий агентлиги 2021 йил давомида Алишер Навоий асарлари асосида бадиий ва мультипликацион фильмлар, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги маълумотлар ва манбалар асосида **тўлиқ метражли бадиий-публицистик фильм яратиш** чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Молия вазирлиги Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021 йилда “Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги”** рукни остида шоир асарлари, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий ва оммабоп китоблар туркумини чоп этиш чораларини кўрсин.

15. Ташқи ишлар вазирлиги 2021 йилдан бошлаб мунтазам равишда:

Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ташкил этиш**;

чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб этган ҳолда **Алишер Навоийнинг асарларини чет тилларга таржима қилиш, нашр этиш** ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга оширсин.

16. Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, янги замонавий экспозиция яратиш, зарур техник ва ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш учун керакли маблағлар ажратиш чораларини кўрсин ҳамда 2021 йил октябрга қадар таъмирлаш ишларини якунига етказсин.

17. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Республика “Ҳунарманд” уюшмаси 2021 йил февраль ойида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларини ўтказсин.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, шоир асарлари асосида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, ўқув-маърифий фильмлар яратиш тавсия этилсин.

19. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

20. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 октябрь

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ
## муҳим ҳаётий зарурат

Маълумотларга кўра, ушбу лойиҳалар доирасида туманда 10 та сутчилик ва 7 та бўрдоқичиликка ихтисослашган замонавий комплекслар барпо этилмоқда. Ҳозирги кунда туманга Нидерландия ва Қирғизистондан “Ангус” ҳамда “Швиц” зотли 219 бош ғунажин, шунингдек, 1 минг 370 бош ҳисори қўйлар олиб келинган. Туманда лойиҳа асосида ташкил этилаётган кластерларга жорий йилда Германия, Голландия, Польша, Чехия, Австралия давлатларидан “Гольштейн”, “Сментал”, “Ангус” зотли қорамоллар, қўйчилик йўналишидаги кластерларга эса Австралия, Қирғизистон, Россия, Украина, Испаниядан “Меранос”, “Эделбай”, “Романов” зотли қўйлар олиб келиш режалаштирилмоқда.

– Соҳани янада ривожлантириш, замонавий технологиялар асосида чорвачилик комплексларини ташкил этиш ҳамда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни кўпайтириш мақсадида қорамолчилик йўналишида 17 та (44 минг 500 бошга), қўйчилик йўналишида 13 та (15 минг бошга мўлжалланган) комплекслар қуриш режалаштирилган, – дейди туман ҳокими Абдурасул Абдуллаев. – Айни вақтда 173 гектар ер майдонида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Энг муҳими, мазкур лойиҳалар ишга тушгач, анчагина янги иш ўринлари яратилади.



Медиа-тур давомида иштирокчилар тумандаги “Isa halol” МЧЖ фермасидаги ишлар билан яқиндан танишишди. 2019 йилда ташкил этилган мазкур фермага хориждан жами 350 бош зотдор қорамоллар олиб келинган. Шундан 100 боши тумандаги кам таъминланган оилаларга кредит асосида берилган. Бугунги кунда фермада 13 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Жамият раҳбари Афзал Қаюмовнинг сўзларига кўра, йил якунига қадар ишчилар сонини 30 тага етказиш кўзда тутилган.

Кейинги манзил жорий йил бошида қурилиш бошланган ҳамда йил якунига қадар ишга туширилиши кутилаётган “Abdurahim ota fayzi” МЧЖ бўлди. Жамият минг бош қорамолга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда қурилиш ишларининг 90 фоизи якунланган. Шу билан параллел равишда Германиядан “Гольштейн” зотли 264 та қорамол олиб келиш бўйича шартнома ҳам имзоланган. Режага кўра, қорамоллар ноябрь ойининг охиригача олиб келинади.

– Маълумки, туманимиз сув танқис ҳудуд ҳисобланади, – дейди ферма раҳбари Искандар Ибодов. – Шу сабабли, экин майдонларимизда томчилатиб суғоришни йўлга қўйяпмиз. Бу сувни тежаб ишлатиш имконини беради. Шунингдек, ферма яқинида захира учун кичкина сув омбори ҳам ташкил қилганмиз.

Умумий майдони 546 гектар бўлган мазкур комплексда чорва моллари учун қурилган объектдан ташқари, ишчи аёллар ва эркаклар учун алоҳида ётоқхона, ошхона ҳамда чорвадорликни ўрганувчилар учун махсус ўқув маркази ҳам барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Лойиҳа ишга тушгач 30 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Қатнашчилар яна бир лойиҳа бўйича ташкил этилаётан “Ulug’nur” фермер хўжалигида бўлишди. Бу ерда ҳам қурилиш жадал давом этмоқда экан. Мутасаддилар яқинда ушбу лойиҳа ҳам ишга туширилишини айтишди.

Куннинг иккинчи ярмида медиа-тур иштирокчилари тумандаги Мўмин ота Холтўраев уй музейида бўлишди. Музей чорвадор Холтўраевлар оиласига тегишли бўлиб, бугунги кунда 12 фарзанднинг барчаси ота-боболарининг ишларини шараф билан давом эттиришмоқда. Яқин кунларда мазкур уй-музей ичида туристлар учун ётоқхона ташкил этиш кўзда тутилганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Негаки, сайёҳлар учун оддий ўзбек чорвадорининг хонадони, турмуш тарзи билан танишиш қизиқарли бўлиши табиий.

Медиа-тур якунида иштирокчилар учун оҳангаронликлар фахри – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов бошчилигидаги “Қурама” фольклор-этнографик жамоаси иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ*
*олган суратлар*

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## МАҲАЛЛИЙ НАШРларни варақлаганда...

YANGIYO‘L

Президентимиз ҳар бир йиғилишда раҳбарлардан халқни рози қилиш бугунги кунимизнинг, қолаверса, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларимизнинг бош омили эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Аммо, одамларни қийнаётган муаммоларни вақтида ҳал қилмай, уларни сарсон қилаётган раҳбарлар ҳам борлиги ачинарли. Газетанинг 41-42-сонида чоп этилган “Халқни сарсон қилаётганлар” бу ҳақда нима дейди?!” мақоласида очиқ, аммо аччиқ гаплар бор.

МАШЪАЛ

Сизда танлаш имкони бор: миллатнинг порлоқ эртаси учун малакали кадрларни камол топтириш ёки ўз касбингизни суиистеъмол қилиш, бошқачасига айтганда: пора олиш. Сиз қай бирини танлайсиз?

Қалбаки диплом можароси шу ҳақда. Можарога “аралашмоқчи” бўлсангиз, газетанинг 40-сонига мурожаат қилинг.

Олмалиқ ҳақиқати

Айрим инсонларнинг билиб-билмай қилган ишлари, заҳри қотил ортидан жиноятга қўл ургандан сўнг келадиган пушаймон, афсуски, ўзларига душман бўлади.

Ота-онасининг вафотидан кейин бувисининг қарамоғида қолган ўғил кун келиб жиноятга қўл уради, яна ўз бувисининг қотилига айланади, деб ким ўйлабди?!

Бу ҳақда газетанинг 40-сонида ўқийсиз.

## Кўзгудаги ўзимиз

**Ёқимли нутқ инсоннинг қиёси йўқ маънавий бойлиги, жавоҳирлар тўла сандиғи. Яхши сўз, яхши хабар кўнгилга қувонч бахш этади, юракка мойдек ёқади, шифобахш малҳамдек таъсир қилади. Халқимизда тилга доимо эътиборли бўлиш, ҳар сўз, ҳар иборани етти ўйлаб гапириш, қисқа сўзлаш, муомала одобига риоя қилиш хусусида кўплаб ҳикматлар мавжуд.**

# “Дадангмасман,

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган бўлиб, бу ноёб хазина биз ва биздан кейинги авлодлар учун ҳам тенгсиз мерос ҳисобланади. Бу хазинадан баҳраманд бўлган буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар, айни чоғда, ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу хазинанинг мақомини янада баланд кўтардилар.

Нутқ ўз-ўзидан равон, оҳангдор ёки ёқимли бўлиб қолмайди. Чолғучи бирор куйни ўрганмоқчи бўлса, уни неча юз бор ижро қилибгина муддаосига эришади. Мусаввир янги бир асар яратгунча қанча заҳмат чекади. Ҳеч ким бирданига Суқрот ёки Абдулла Қаҳҳор даражасига кўтарилмайди. Нутқ маҳоратини эгаллаш учун йиллар давомида тинимсиз машқ қилиш, ўқиш, ўрганиш керак. Қадимги юнон нотиғи Демосфен ўзининг паст, ҳазин овозини яхшилашга жазм қилиб, ертўлага тушар экан-да, тўла шифтига ўткир тиғли ханжарни осиб қўйиб (бошини димоғдорона баланд кўтармаслик учун), узлуксиз машқ қилар экан. Шарқда воизлик маҳоратини тобига келтириш учун ёш воизлар тоғу тошларга чиқиб машқ қилишган, ўзларини муҳим баҳсларга, уларда юзага келиши мумкин бўлган мураккаб ҳолатларга тайёрлашган. Улуғ Пётр овози паст, нутқи равон бўлмаган кишиларни таълим муассасаларига қўймаслик хусусида фармойиш берган. Ферузхон мақом йўлларини бузиб ижро этадиган созандаларни жазолаган. Водий вилоятларида бугун ҳам сўзи дағал, табиатан қўрс, қизиққон, сал нарсага асабийлашадиган одамларни совчиликка юборишмайди. Негаки, бундай кишилар ноўрин бир сўз ёки ибора билан битиб турган ишни бузиб қўйишлари мумкин.

Собиқ тузум шароитида ўзбек тили таназзулга юз тутгани, унга эътибор сусайгани тўхтовсиз таъкидлаб келинмоқда. Бу – бор гап, аммо ўтган вақт ичида бу кемтик тўғриландими, тилимизнинг мақоми ўзига муносиб даражада баландладими, деган саволга жавобимиздан қониқмаймиз.

1989 йили Бельгиянинг қадимий Брюгге шаҳрида бўлганимизда, маҳаллий университетнинг истараси иссиқ ёш ходими бироз ийманиб келиб, даврамизга қўшилганини ҳамон эслайман. “Исмим Йоҳан Вандевалле, сизлар билан суҳбатлашишни жуда-жуда хоҳлайман”, деди у ўзбек тилида. Унинг бийрон сўзларини, ширали талаффузини эшитиб хурсанд бўлдик. Ёшлигида ота-онаси билан дам олгани Туркияга борганида, икки ҳафта маҳаллий болалар билан ўйнаб, ўттиз-қирқта туркча сўзнинг маъносини билиб олибди-ю, бу тилни ўрганишга жиддий киришиб кетибди. Бир ярим йилда саводи яхшигина чиққач, ўзбек, тожик, қозоқ тилларини ҳам ўргана бошлабди. Ҳозиргача жаҳон халқларининг ўттиздан ортиқ тилларида сўзлаша олар экан.

Ҳамроҳларимиздан бирининг: “Шунча тилни ўрганиш сизга нима берди, ҳаётингизда қандай ўзгариш содир бўлди?” – деган саволига Йоҳан “Бошқа тилларни ўрганишим менга шу халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатларидан хабардор бўлиш имконини берди, дунёқарашим ўзгарди, билимим кенгайди, чўх муҳими – она тилимга, тарих ва маданиятимизга ҳурматларим кучайди, тилини, адабиётини ўрганган халқлар ёшлари билан суҳбатлашиш, янги дўстлар орттириш нияти пайдо бўлди. Ўзбекистонда бўлдим. Жуда ажойиб жой, тили ширин, ҳамма меҳмондўст, болалар чўх кўп, хурсанд бўлдим, бизда жужуқчалар оз”, деб жавоб қайтарди.

Йоханнинг шу жавобини эслар эканман, хўш, бизда нега шундай бўлмади, шу ерда туғилиб ўсган, вояга етган, бобоси, ота-онаси ва ўзининг умри шу ерда ўтаётган, келажак насллари ҳам шу юртда умргузаронлик қиладиган одамлар нега энди, ўттиз-қирқта оддий муомала сўзимизни, беш-олтита одатимизни, бир-иккита ахлоқий қадриятимизни, ақалли салом-алигимизни ўрганишмади, деган савол пайдо бўлади. Аммо, шу заҳоти ичимдан келаётган “Тилимизни ўрганмаганлардан ўпкаламайлик, айбдор – ўзимиз”, деган раддияни эшитаман.

Тайсон исмли америкалик тадқиқотчи олим юртимизга келиб, қисқа вақт ичида ўзбек тилини, урф-одатларимизни, чойни ўгириб ичишни, қўлни ювганда панжаларни силкитмасликни, нонни тескари ушламасликни, қўлда ош ейишни чунонан ўрганиб олдики, унинг равон нутқини тинглаган, чойни тўкмай уч марта қайтаришини кўрган кишининг завқи келади.

Бир гал у билан бозор ораладик. Айни пишиқчилик пайти. Қовунчи деҳқонлар олдига келамиз. Тайсон ўртача қовунни қўлига олиб, неча пул, деб сўрайди (у ўзбекчани грамматика қоидалари орқали ўрганган боис, бизга ўхшаб, “неччи” демайди). Деҳқон бобо: “Пажалиста, 5 руб”, дейди. Тайсон ўрисча билмагани учун, ажабланиб менга ўгирилади. Тушунтираман. Ҳамроҳим қовуннинг нархини тушунади, аммо ёши бир жойга бориб қолган оқсоқол деҳқон Эски Жўва бозорида ўзбекча гапирмай, нуқул “Патхади народ, свой агарод” деяётганига тушунмайди.

Ёш инглиз тадқиқотчиси Африка чангалзорларида яшайдиган ёввойи қабила ҳудудига бориб қолади. Кундалик асарида ёзишича, бир ҳафта мобайнида ёввойилар билан имо-ишора орқали сўзлашади, икки ойдан кейин уларнинг энг муҳим ўн-ўн бешта сўзини ўрганади, бир йилдан кейин тилларини дурустгина тушуниб, улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетади, қабила аъзоларига муаллимлик қилиб, ўз мамлакати, бошқа ҳудудларда яшайдиган одамлар, кемалар, айсберглар, самолётлар, балиқ овлайдиган қуроллар, турли касалликлар, заҳарли ўт-ўланлар, денгиз ва океан жонзотлари ҳақида сўзлаб беради.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари, айниқса, муҳтарам элчилар қисқа вақти ичида тилимизни, расм-русумларимизни ўрганиб олишади-ку, “Ассалому алайкум, Ўзбекистондай гўзал юртга элчи бўлиб келиш мен учун шараф”, дейишади-ку ўзбекчасига.

Жараён

**2018 йил 11 октябрда Президентимизнинг "Давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди.**

# Вилоятда мулкдорлар сони кўпаймоқда



Мазкур фармоннинг қабул қилиниши инвесторларга ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирганларга қатор енгилликлар яратди. Яъни, Республикамиздаги барча давлат активлари "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланди. Бу эса давлат активларини харид қилишда барчага бирдек имконият демакдир.

Хусусан, жорий йил бошидан бери жами 95 та давлат активлари "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилди. Жумладан, 1 сўмга тенг қийматда бошланғич нархда, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар шарти билан 75 та давлат объекти жами 3,3 млрд. сўмга сотилди. Бунда умумий қиймати 85,9 млрд. сўм ҳажмда инвестиция киритиш ва жами 1 минг 56 та янги иш ўринлари яратиш мажбуриятлари белгиланган.

Шунингдек, харид қийматда жами 8 та давлат объекти 9,5 млрд. ва 5 та давлат улушлари 3,8 млрд. сўмга сотилиши таъминланди.

Бугунги кунда қарор, фармон ва фармойишларга асосан, жами 47 та давлат активлари оммавий савдоларга жойлаштирилган бўлиб, ушбу давлат активларини харид қилишни истаган ҳар бир шахс савдоларга ҳеч қандай тўсиқларсиз қатнашиб, мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда вилоятдаги инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар эвазига харид қилинган 74 та давлат объектларининг инвесторлари томонидан 98,3 млрд. сўмлик ва 716 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилгани ва 1 минг 946 та янги иш ўринлари яратилгани инобатга олиниб, уларга давлат мулкини хусусий мулк этиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**О. ҚОДИРОВ,**
**Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

Комиссия фаолиятидан

# ТЕНДЕР – ҲАММАГА ТЕНГДИР, бироқ...

**Яқинда шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда йўловчиларни ташишни ташкил этиш мақсадида вилоят Транспорт бошқармаси ва вилоят комиссияси томонидан тендер ташкил этилди. Тендерда жами 104 та транспорт йўналиши бўйича даъвогарлар таклиф билдиришди. Тадбирни очиқлик ва шаффофлик тамойилларига мос тарзда ўтишини таъминлаш мақсадида унга журналистлар ҳам таклиф қилинди.**





Таъкидлаш кераки, танлов шартларида автотранспортнинг ҳолати, йўл ҳақи нархлари, ёқилғи харажатлари, йўналишлар масофаси, уларнинг ҳудудларга тўғри тақсимланганлиги каби қатор ҳолатлар инобатга олиниши кўрсатилди. Хусусий корхона раҳбарлари ҳамда тадбиркорларнинг таклифлари очиқ ва холисона тарзда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кези келганда айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан, танлов қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, тугатиш ёки банкротлик босқичида турган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

– Биз "Янгибод – Тошкент АББ" йўналиши бўйича ўз таклифларимиз билан қатнашиб, тендерда ютиб чиқдик, – дейди "Angren Avtogroup" масъулияти чекланган жамият раҳбари Фахриддин Отабоев. – Янгиобод қишлоғи тоғли худуд бўлиб, олдинлари бу ердан пойтахтга тўғри ҳаракатланадиган йўналиш бўлмаган. Янгиободликлар Тошкентга бориш учун аввал Ангрен шаҳрига келиб, бу ердан уловга ўтириб кетишга мажбур эди. Мазкур йўналишни ишга тушириш учун 4 та микроавтобус сотиб олдик. Келажакда автобуслар сонини яна кўпайтирамиз.

Бир журналист сифатида тендер жараёнини кузатиб турарканмиз, баъзи тадбиркорларнинг "уддабурон"лиги, керакли ҳужжатларни тайёрлашдаги "маҳорати"га қойил қолмадик. Ҳатто, танловга шунчаки қатнашаётганларнинг борлиги таажжублантирди. Бундан ташқари, қатнашчиларнинг аксарияти ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш бўйича қўйилган талабга эътиборсиз қарагани сезилди. Нима бўлганда ҳам тендер жараёни шаффоф ўтганини эътироф этиш керак.

Тадбирдан чиқарканмиз, хаёлимиздан қанийди қурилиш соҳасида ўтказиладиган тендерларда ҳам бир иштирок этсак, деган ўй ўтди...

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**

Мавзуга доир

# ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИДАН ҚОНИҚАСИЗМИ?

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ҳудудларда тизим фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматларни янада ривожлантириш мақсадида Тошкент вилоятининг 22 та туман ва шаҳрини қамраб олган ҳолда сайёр қабуллар ўтказилди.**



Хусусан, Олмалиқ, Чирчиқ, Нурафшон, Янгийўл шаҳарлари, Бекобод Паркент, Зангиота туманларидаги Халқ қабулхоналарида соҳадаги муаммо ва шикоятларни ўрганишга қаратилган фуқаролар билан учрашувларда вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Транспорт вазирлиги масъуллари ҳамда вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи Садриддин Шоқосимов корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар билан учрашиб, соҳага доир саволларга жавоб қайтарди. Билдирилган таклифлар, кўтарилган масалалар юзасидан жами 62 та мурожаат келиб тушган бўлса, қабуллар давомида улардан 11 тасига мутасаддилар томонидан тушунтиришлар берилди. Айрим масалалар жойига чиқиб ўрганиш, таклиф бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда муҳокама қилинди. Шунингдек, мавжуд муаммоларни ўрганиш борасида вилоятдаги 10 дан зиёд ҳудудларда рейдлар ташкил этиладиган бўлди.

Қайд этилганидек, Олмалиқ шаҳрига "Ютонг" ва "Фотон" русумли автобусларни олиб келиш ва қатнов йўналишларига қўйиш масаласи тадбиркорлар эътиборида бўлиб, бу орқали аҳолига янада қулайлик яратилади.

Шу билан бирга, Бўка туманининг "Кўкорол", "Бахмал", "Гулистон", "Рамадон", "Қийиқчи", "Мойтепа" маҳалла фуқаролар йиғинларигача, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ёнғичқоли – Қўйлиқ бозори", "Ишчилар шаҳарчаси – Янгийўл бозор", "ВҲ-220-Янгийўл деҳқон бозори – вилоят шифохонаси", Зангиота туманидаги "Хонобод – Қўйлиқ деҳқон бозори" йўналиши ва Эркин ҳудудидан Тошкент шаҳрига транспорт қатновларини ташкил этиш лозим.

Шунингдек, вилоятнинг пойтахтга яқин айрим туманларидаги маҳаллалардан қатновчи автобуслар фаолиятини қайта тиклаш, шу каби йўналишларда транспорт қатновларини тизимли ташкил этиш лозимлиги айтилди. Йўллардаги тирбандликларнинг олдини олиш, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг вақтини кетказмаслик борасида чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Норозиликлар, ноқонуний ҳаракатларга сабаб бўлаётган йўналишлар борасида бошқарма инспекторлари томонидан тезкор рейдлар ташкил этилиб, камчиликлар тез кунларда бартараф қилинади.

**А. МУСАЕВ,**
**ЎзА**

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ – УМРГА ЗИЙНАТ



**Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда барча соҳаларда коррупциоген омилларга чек қўйиш мақсадида кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Семинар

Хусусан, вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида ҳам бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, яқинда бошқарманинг масъул ходимлари ҳамда туман ва шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими раҳбарлари учун онлайн ўқув-семинар ташкил этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар, коррупция ҳолатларининг сабаб ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш борасидаги ишлар тўғрисида фикр алмашилди.

**Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Ахборот хизмати**

# "Неъмат аканиман!"

Заруратни ҳис қилган одам тилнигина эмас, бошқа нарсаларни ҳам ўрганади. Таассуфки, биз тил ўрганиш, урф-одатларимизни ҳурмат қилиш заруратини пайдо қила олмадик.

Ҳаво бирдан исиб кетса, биров айтмаса ҳам енгил кийинамиз, совиб кетса иссиқ кийиниб оламиз-ку, худди шундай, бошқазабон ҳамюртларимизни "Бир жойда яшаб туриб, шу ернинг нонини еб, сувини ичгандан кейин тилини ўрганмасак уят бўлар экан", деган хулосага келтира олмадик. Аксинча, "Пажалиста, патхади народ, палавина сахар, палавина мёд", деб туравердик. Оқибат шунга яраша бўлди…

Муаммога бошқа тарафдан ёндошайлик – бугун, шу тарзда кетаверсак – эртага, ундан кейин, худди собиқ тузум пайтида бўлганидек, даврага, йиғинга, машваратга битта бошқа тилли киши келиб қўшилса, дарҳол унинг забонига ўтамиз, бу билан илғор, замонавий киши эканлигимизни намоён қилмоқчи бўламиз, аслида эса ўзимизни ўзимиз беҳурмат қиламиз.

Ўзбекистонга келган америкалик, буюк британиялик ёки япониялик сайёҳга бизнинг шу тилларда амал-тақал қилиб сўзлашимиз жиддий воқеа эмас. Ёнларида таржимонлар бор, керакли нарсаларни тушунтириб беришади. Уларга бизнинг ўзбекча талаффузимиз, ўзбекона фикрлашимиз, тилимизнинг оҳангини "аслият"дан эшитиш, ишонинг, ғоят муҳим. Французлар толмас санъаткоримиз Муножот Йўлчиеванинг қўшиқларини нега бор вужудлари билан, кўзларидан қувонч ва ҳайрат ёшлари думалаб тинглашади – улар қўшиқнинг сеҳрли таъсирида халқимизни, юртимизни, воҳаю водийни ҳис этишади, ҳали кўрмаган ноёб тарихий обидаларимизни, Буюк ипак йўлларини, бугун ҳам эзгу ният билан улуғ сафарга отланаётган ҳикмат карвонларини тасаввур қилишга ҳаракат қилишади. Муножотхоним ўзининг ноёб санъати, юксак ижро маҳорати билан хорижлик мухлисларга Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд диёрнинг мафтункор манзараларини, одамларининг беғубор қалбини мусаввир янглиғ намойиш этади десак, муболаға бўлмайди. Японларнинг, корейсларнинг, хитой ёки ҳиндларнинг мусиқасига, сўзлаш, саломлашиш одобига, талаффузда товушларнинг ўзаро уйғунлашувидан ҳосил бўладиган оҳанрабо майинлик ва беғуборликка эътибор берганмисиз? Сўз, жумлагина эмас, ҳарфлар, товушлар, урғу, бўғинлар, тутуқ белгиларигача соф миллий либосда-я! Бу билан улар ҳақли равишда фахрланадилар, бу бойликни бебаҳо хазина янглиғ асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бус-бутун қолдирадилар. Тилимизнинг жаранги, латофати, ифода имкониятлари ҳеч бир халқнинг тилидан қолишмайди, аммо буни эътироф этган ҳолда, унга аста-секин зиён етаётганини сезиб туриб ҳам қулоғимизни қимирлатмай тураверсак бўлмас.

Матбуот жим эмас: тилга эътиборсизлик ҳақида тинимсиз ёзилмоқда. Аммо, биз ёзиб чарчамаяпмиз, қулоғи том битган маъмурлар эса кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишдан чарчаётганлари йўқ. Боз устига, айримлари қаддиларини ғоз тутиб, "Қайси газета, яна ёзибдими, қўяверинг, обунаси пачава, ҳадемай қоғоз матбуотнинг куни тугайди, қулоғимиз тинчийди...", дея писанда қилмоқдалар.

Пойтахтнинг серқатнов кўчаларидан бири ўртасидаги паннода "плов"га чексиз муҳаббат изҳор қилинган. "Отопительные системы" жумласи ўзбек тилига "Иссиқ қилиш" деб ўгирилган. Ўзбекнинг тили, мўътабар таомини масхаралашнинг бундан ортиқ намунаси бўлмаса керак. Мана, неча йилдирки, кир ювиш кукуни номидаги кўк чойни мириқиб ичиб ётибмиз. Баъзи кўчалар тил, ном нуқтаи на-



заридан шундай қиёфага кирдики, хорижлик меҳмон унинг Ўзбекистон ҳудудида эканлигига шубҳа қилиши ҳеч гап эмас. Маданий-маиший муассасалар, емакхона, ичмакхона, кийим-кечак бичмакхоналарга, намойиш залларига ном танлашда қайсидир узоқ мамлакатдан келган ажнабий мутахассис маслаҳат бераётганга ўхшайди.

"Зўр ТВ" телеканалининг кўпчиликка маъқул келадиган кўрсатувлари бор, албатта. Аммо, тилимизни ошкора камситадиган, одоб-ахлоқимизга тўғри келмайдиган бачкана кўрсатувлар ҳам талайгина. Ҳар битта кўрсатув номига биттадан хорижий сўз қўшиш нима дегани? Бу хусусда куюнчак олимимиз Раҳмон Қўчқор ғоят таъсирчан мақола ёзди, лекин гап эгасини топмади. "Бетимнинг қаттиғи – жонимнинг ҳузури" бўлди, тамом-вассалом. Ўзини ҳурмат қиладиган халқ бунга тоқат қилмаслиги керак.

Очиғини айтганда, тилимизни асраш борасида қилаётган ишларимиз, унга ҳурматимиз ночор аҳволда. Эътиборсизлик кундан-кунга илдиз отмоқда, бу ҳолни хаспўшлашга уринмайлик. Телекўрсатув, радиоэшиттириш, кино ва саҳна асарларида, воизларнинг маърузаларида ўзбек адабий тили жиддий лат емоқда. Кўриб, билиб турибмиз. Икки-уч тил бир-бирига қоришиб кетди, бўтқанинг ўзи. "Идора", "дўкон", "тижорат", "сармоя", "кафолат", "бўнак", "бай очиш", "очиқлик", "буюртма", "пойдевор" каби қанчадан-қанча латиф сўзларимиз ўрнига бошқа тиллардаги сўз ва ибораларни тўғри келса-келмаса ишлатмоқдамиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов бир гапни айтиб берган эди. У кишининг бир танишлари бошқа тилда сўзлашишга шу қадар берилиб кетган эканки, телефон жиринглаcа, гўшакни кўтариб, беихтиёр "Да-да" дер экан. Неъмат ака ҳар гал шу танишига қўнғироқ қилганида, навбатдаги "Да-да"ни эшитиб, "Дадангмасман, Неъмат акангман", дер экан. Бир раҳбар расмий идораларда узоқ муддат ишлади, яхши ишлар қилди, аммо ким билан гаплашмасин, телефон гўшагини қўйишдан олдин, албатта: "Есть ака, тушундим ака, конечно, есть" деб қўярди. Унинг учун "Хўб бўлади" дейиш эскилик сарқити эди, назаримда.

Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидан бир иқтибос келтиришга зарурат бор деб ўйлайман: "Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларга бериш керак… Миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини таниганидан кейин рус мактабига бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқисин. Ундан кейин Германия, Франция, Англия мамлакатларига, ҳатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкага юбориб ўқитиш керак..."

Тил – тирик, ҳаракатчан вужуд, у ҳам худди инсон каби парваришга, диққат-эътиборга, меҳр-мурувватга муҳтож. Тўғри парваришланган ниҳол ўсиб-улғайиб мевага киргани каби, тилга эътибор ҳам ҳар янги авлодга шундай маънавий мева берадики, унга қиёс топишнинг иложи йўқ. Бу ҳақиқатни унутадиган бўлсак, йиллар ўтиб ўзбек тилини ўрганиш курсларини бошқалар учун эмас, ўзимиз учун қайта тиклашимизга тўғри келади.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

Эълонлар

**АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

"PRIME REALTY" МЧЖда 2020 йил 23 ноябрь куни соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига "ULUG`BEK ALIYEV UMAR AGRO" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ, "М. Улуғбек" массиви ҳудуди бўйича 2,0 Га. ер майдони участкасида жойлашган, диаметри 8 см.дан иборат жами 180 туп олма дарахтлари, жами 1200 дона 1 йиллик узум кўчатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. Бошланғич баҳоси – 8 887 000 сўм. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уй, туман ҳокимлигининг биносида ўтказилади. Аукцион савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 5 (беш) фоиз комиссион йиғимини тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208000700765990001, МФО: 01041, ИНН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган холда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пулини тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: 99 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www. primerealty.uz.

Лицензия рақами RR-0285.

**КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

2020 йилнинг 23 ноябрь куни соат 09:30 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдоларига Тошкент вилояти, Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/896КВА бўлган "NEXIA" автомашинаси чиқарилади. Бошланғич нархи – 7 575 000 сўм.

2020 йилнинг 23 ноябрь куни соат 10:00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдоларига "Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги тиббий кўриклар ўтказиш бўлими" давлат корхонаси қуйидаги автоуловларни савдога чиқаради: "LADA RS 015L-A2U-41" 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/054QDA. Кимошди савдосида ғолиб чиққан томон автотранспорт воситасининг умумий қийматидан 10 фоизини савдо ташкилотчисининг ҳисобига ўтказиб бериши шарт. Бошланғич нархи – 22 492 000 сўм.

"LADA RS 015L-A2U-41" 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/056QDA. Бошланғич нархи – 21 764 000 сўм. Кимошди савдосида ғолиб чиққан томон автотранспорт воситасининг умумий қийматидан 5 фоизини савдо ташкилотчисининг ҳисобига ўтказиб бериши шарт.

Кимошди савдосида иштирок этишни истаганлар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13«А»-уй. Гаров пули ҳақида шартнома тузилганидан ва ушбу маблағ тўлаб берилганидан сўнг барча буюртмалар қабул қилиниши кимошди савдоси ўтказиладиган санадан бир кун олдин тўхтатилади. Кимошди савдоси ғолиби сотувчи билан келишувни 10 банк иш куни давомида тузиши керак. Кимошди савдолари такроран ҳар ҳафтанинг душанба кунида кўрсатилган вақтда ўтказилади. Ҳар бир автоулов бўйича қўшимча кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ энг кам ойлик миқдорининг 2 баробарига тенг.

Кимошди савдоларида иштирок этишни истаганлар автотранспорт воситалари бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорига тенг гаров пулини савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказиб берадилар ва автотранспорт номини тўлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтадилар. Реквизитлар «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ: «INFINbank» АТБдаги ҳ/р 20208000505015685001, МФО 01041, ИНН 302477464. Телефон (95) 193-74-96.

Гувоҳнома № 005148.

Тошкент давлат техника университети томонидан 2015 йилда Абдурайимов Бекзод Баҳодирович номига берилган В № 797827 (рўйхат рақами 2471 вк) рақамли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Бугун — Ўзбек тили байрами куни

## Давлат тилига Эҳтиром ва Садоқат



Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда вилоятимизда она тилимизда фаолият юритадиган ўнлаб боғчалар, мактаблар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилганини қайд этиш лозим. Вилоятимизнинг янги қиёфасини шакллантиришда кўча ва хиёбонлар, маиший иншоотлар, савдо нуқталари, пешлавҳаларда давлат тили қоидаларига риоя қилиниши борасида катта кўламда амалий ҳаракатлар давом этмоқда. Биргина мана шу байрам арафасида вилоятнинг марказий кўчаларида, аҳоли гавжум масканларида, шаҳар ва туман марказларида, хиёбон ва майдонларида ўзбек тилини улуғловчи ҳикматли сўзлар, кўргазмали хештег, фото-тарғибот материаллари, баннерлар жойлаштирилгани, Ангрен, Нурафшон, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ва Янгийўл тумани марказидаги мониторларда мавзуга доир лавҳалар мунтазам намойиш этиб келинаётгани, ўйлаймизки, вилоятимиз аҳлига бугунги байрам сурури ва кайфиятини улашмоқда.

Вилоятимизнинг турли гўшаларидан, қишлоқ ва маҳаллалар, идора ва ташкилотлар, муассасалардан Ўзбек тили байрами тадбирлари ўтказилаётгани ҳақида келаётган хабарлар мамлакатимизда ўзбек тилига бўлган эътибор туфайли унинг мавқеи ҳамда нуфузи ортиб бораётганлигини яна бир карра кўрсатмоқда. Дунёда, шу жумладан, юртимизда эпидемиологик вазиятнинг мураккаблигига қарамай, тил байрами тадбирлари карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда кенг ва шоду хуррамлик билан нишонланаётир. Бу юртдошларимизнинг тилга, миллатга бўлган эътиборидан дарак, албатта.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони кейинги йилларда тилимизга бўлган енгил-елпи муносабатни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу борада ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Мазкур фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди ҳамда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларида адабий тил қоидалари ва нормаларига, шунингдек, юридик, техник ва бошқа махсус қоидаларга риоя этилишини таъминлаш бўйича Атамалар комиссияси тузилди.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги қарори қабул қилинди. Унга кўра, барча давлат органлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган ташкилотларда раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Эндиликда давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилар ўзи фаолият юритаётган ташкилотда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунга риоя этилишини таъминлаш масалаларига масъул ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, йирик корхоналарида, муассасаларида раҳбар маслаҳатчилари фаолият олиб бормоқдалар. Тармоққа кўрсатилаётган эътибор туфайли жойларда, давлат тили тўғрисидаги қонунга риоя этилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат тилида иш юритиш сифати ошди. Турли хил ғализликлардан воз кечилди, ҳужжат тайёрлашда равонликка эришилди. Ўтказилган ўрганишлар, мулоқотлар жараёнида корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Маълумки, пойтахт вилояти йирик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш соҳасига доир вилоят ҳокимининг иккита қарори қабул қилинган, “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларига масъуллар белгиланди. Барча географик объектлар хатловдан ўтказилди. Ўн икки мингга яқин кўчаларнинг паспортлари тайёрланди.

Мавжуд географик объектларнинг 9 минг 837 таси географик объектлар номларининг давлат реестри базасига киритилган. Шундан, 279 таси маъмурий-ҳудудий бирликлар, 8 минг 706 таси аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари, 114 таси транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари, 738 таси табиий объектлар номларини ташкил қилади.

Жумладан, шу йилнинг ўзида Оҳангарон шаҳри, Паркент, Бўстонлиқ туманларида беш юздан ортиқ жой номлари давлат реестрига киритилган. Топономик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари юзасидан Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг қарори қабул қилинган.

Ташқи кўргазмали тарғибот воситаларини тартибга солиш бўйича ҳам тизимли ишлар ташкил қилинган. Бу йўналишда Қуйи Чирчиқ тумани намунали ҳудудга айлантирилмоқда.

Мухтасар айтганда, она тилимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир. Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик барчамизнинг фаолиятимизда бундан буён ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади.

Ҳурматли Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

### Фахр



## ОНА ТИЛИМ

*“Она тилим!” десам, бирдан,*
*Турку турон бош кўтарар,*
*Тош битиклар, Ўрхун хати,*
*Илму урфон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, ногоҳ,*
*Қад ростлайди “Алпомиш”лар,*
*“Гўрўғли”ю “Кун туғмиш”лар,*
*Қадим аркон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, ё, Ҳақ,*
*Мотуридий, Замахшарий,*
*Бухорийлар қонда ёққан*
*Нури Қуръон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, масрур,*
*Берунийнинг қомуслари,*
*Ибн Сино малҳам тутган*
*Дардга дармон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, мағрур,*
*Ярим жаҳон тилга кирар,*
*Силсиласи зилзиладай*
*Соҳибқирон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, абад,*
*Навоийдан наво келар,*
*Беш қитъага нур таратган*
*Бешта достон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, шаҳдам,*
*Саф тортгайдир Улуғбеклар,*
*Али Қушчи хушин олган*
*Юлдуз, осмон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, ё, Раб,*
*Сўз ёнади оташ мисол,*
*Машрабини дорга осган*
*Ғофил арқон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам йиғлар,*
*Увайсийлар, Нодиралар,*
*Момоларим назм этган*
*Латиф Ҳўқон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, ўртаб,*
*Шаҳид кетган Қодирийлар,*
*Авлонийлар, Усмон Носир,*
*Фитрат, Чўлпон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, титраб,*
*Ғофур Ғулом, Ойбек, Қаҳҳор,*
*Миртемирлар умрин еган*
*Буюк армон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, шаксиз,*
*Ҳаққим кўпдир дунёларда,*
*Буюкларни бот-бот берган*
*Покиза қон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, энди*
*Ўз тилимда Ўз Бекка хос,*
*Мен сўз айтсам, бани башар,*
*Жумла жаҳон бош кўтарар.*

*“Она тилим!” десам, бугун,*
*Аждодларим, қаранг, қаранг,*
*Яна Шарқдан янгиланган*
*Ўзбекистон бош кўтарар.*

**Фарида АФРЎЗ**

**Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деб бежиз айтмаган. Манбаларга қараганда, дунёда 7 мингга яқин тил ва лаҳжалар мавжуд бўлсада, шундан атиги 200 га яқини давлат тили мақомига эга экан. Ўзбек тили ҳам шу қаторда эканлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади, албатта.**

## ТИЛГА ҲУРМАТ – ЭНГ КАТТА ТАРБИЯ

Дарҳақиқат, айнан тил туфайли халқ ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолади, сайёрамизда яшаётган халқларнинг ўтмиши ва маданияти ҳурмат қилинади.

БМТ экспертларининг фикрича, тилни сақлаб қолишда энг тўғри чора давлат тилини таълим тизимида ўргатишни кенг йўлга қўйишдир.

Дарвоқе, ҳозир ўзбек тилини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини замоннинг ўзи талаб қилаяпти. Глобаллашув даврида илм-фан, техника тараққий этиши билан бир қаторда, инсониятнинг онгу шуурини заҳарловчи турли ёт ғоялар ҳуружи, хавфи ортиб бормоқда. Айрим ёшларнинг ўзбек тилини ўргана олмаётганига асосий сабаб – бу оиладаги муҳит ва тарбиядир. Ота-онанинг она тилига бўлган бефисандлиги фарзандининг бошқа тилда гаплашиб, мулоқот қила олишидан “фахрланиш” ҳисси билан янада кучаяди. Ҳолбуки, оилада она тилини ҳурмат қилишга ўрганган ёшлар ўзга тилга ҳам ҳурмат билан қараши, чет тилларини қийналмай ўзлаштира олиши кўп кузатилган.

Фикримча, давлат тилини ўрганиш эҳтиёж даражасига чиқмас экан, таълим тизимида ҳам кутилган натижага эришиб бўлмайди. Хусусан, мактабгача таълим – таълимнинг энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, инсон бутун ҳаёти мобайнида оладиган барча ахборотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Бу эса бола таълим-тарбиясида мактабгача таълим муассасасининг аҳамияти нечоғли юқорилиги ҳамда болаларнинг соғлом, билимли, давлат тилига меҳр-муҳаббатли бўлиб вояга етишида оиладан кейинги маскан эканига далилдир.

Демак, ўзбек тилини таълимнинг энг қуйи босқичларидан ўргатиб бориш бўйича замонавий методика ишлаб чиқиш зарур. Агар боғча тарбиячиси болаларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш уйғота олса, давлат тилининг жамиятдаги мавқеини кўтариш масаласига кўмаклашган бўлади. Ҳозирги пандемия шароитида бу йўналишдаги видеолавҳаларни кўпайтириш, ижтимоий тармоқ орқали ота-оналар ва уларнинг фарзандларига етказиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, бошқармамиз томонидан бу борада бир қатор тизимли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, мактабгача таълим ташкилотларида давлат тилида иш юритишни тўлиқ жорий этиш, ходимларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб боришни таъминлаш йўлга қўйилган. Пандемия шароитида ўзбек тилини ўргатишга мўлжалланган қизиқарли онлайн ўйинлар ташкил этилаяпти. Боғча ёшидаги болалар учун мўлжалланган бадиий, таълимий, рангли-безакли ихчам китобчалар чоп этишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Сайёра БАРАТОВА,**
**вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи**

*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.*
**Абдулла Авлоний**

*Миллатнинг икки асоси бордир. Бу уларнинг тили, динидир. Агар миллат ҳаётидан шу иккисидан бири суғуриб олинса, бу миллат таназзулга юз тутур.*
**Исмоилбек Гаспирали**

*Тилга лоқайдлик, энг аввало, фикрга лоқайдликдир.*
**Лев Толстой**

## “ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН...”





**Республика “Маънавият ва маърифат” маркази вилоят бўлими ҳамда Марказий банк вилоят бош бошқармаси ҳамкорлигида “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” мавзуида “ZOOM” дастури орқали онлайн маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Унда Республика “Маънавият ва маърифат” маркази вилоят бўлими раҳбари С. Файзиева, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи А. Низамов, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Р. Шералиев, Ўзбекистон халқ артисти Э. Комилов, шунингдек, марказнинг туман ва шаҳар бўлинмалари раҳбарлари иштирок этишди.

Ўзбек тилининг нуфузини ошириш, давлат тилига ҳурмат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар тил – ҳар бир инсон учун бебаҳо қадрият, муқаддас тушунчалар мажмуи, дунёни англашнинг дебочаси эканлиги, шунинг учун уни ардоқлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлиги ҳақида гапирдилар. Тадбир иштирокчилари учун “Ўзбек тили – миллатимиз ғурури”, “Тил – ҳаёт кўзгуси” мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Шунингдек, она тилимизни улуғловчи шеър ва дилтортар куй-қўшиқлар янгради.

Худди шундай тадбирлар вилоятимизнинг Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Бўка, Қибрай, Оҳангарон, Бекобод туманларида ҳам катта кўтаринкилик билан ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз**
*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

### Чоршанба ҳикмати

## Инсон зийнати

*Айтар сўзни айт,*
*Айтмас сўздан қайт.*
* * *
*Ариқни сув бузар,*
*Одамни – сўз.*
* * *
*Буғдой нонинг бўлма ҳам,*
*Буғдой сўзинг бўлсин.*
* * *
*Ёмон тил ё жонга урар,*
*Ё – имонга.*
* * *
*Кишининг ўзи етмаган ерга*
*сўзи етар.*
* * *
*Мазали сўзга қулоқ чарчамас.*
* * *
*Муздан сув томар,*
*Сўзамолдан – бол.*
* * *
*Тил – инсон зийнати.*

**Ўзбек халқ мақоллари**

### Раис бува ним а дейди?




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Зуҳриддин РАҲМОНОВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-1043. 4 222 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.10 1 2 3 4 5 6